



**ГРАФИК ПЛАТЕЖЕЙ\***  
к договору (контракту) от 03.06.2022 г. № 1/30.05

между "ПЕШКУ КУРИЛИШ ХАМКОР ИНВЕСТ" МЧЖ и Бухоро вилоят болалар фтизиатрия сихатгохи на общую сумму 298000000,00

Глава 054  
Казначейский лицевой счёт 100021860064017073401054001

(в сумах)

Наименование месяцев 2022 г.	Виды расходов** (соответствующий код бюджетной классификации)			Всего
	4239000			
Январь				
Февраль				
Март				
Апрель				
Май				
Июнь	298 000 000,00			298 000 000,00
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
<b>Всего за год</b>	<b>298 000 000,00</b>			<b>298 000 000,00</b>

Всего 298000000,00 сум

Двести девяносто восемь миллионов сум 00 тийин

сумма прописью

Из вышеуказанной суммы 89400000,00 сум или 30,00%\*\*\* от общей суммы договора подлежат предоплате в \_\_\_\_\_ мес. 20\_\_ г.

(\*) — Бюджетные организации, получатели бюджетных средств и получатели средств ДЦФ. предоставляют в казначейские органы в 2 -х экземплярах;

(\*\*) — Указывается раздел, глава, параграф и статья расхода;

(\*\*\*) — Месячный \_\_\_\_\_% , от указанной выше суммы который необходимо оплатить до \_\_\_\_\_ числа текущего месяца. (Данное поле заполняется со стороны бюджетных организаций, получателей бюджетных средств и получателей средств ДЦФ в случае осуществления предоплаты в соответствии с порядком, установленным законодательством по договорам за оказание коммунальных услуг, услуг связи и предоставления в регулярном порядке товара (работ, услуг) указанных в правовых документах.)

Руководитель заказчика



(подпись)

Сафаров Хамза Ахунджанович

Ф.И.О.

Главный бухгалтер заказчика

(подпись)

Шодиев Меҳридин Темирович

Ф.И.О.

Тринял работник казначейского подразделения

(подпись)

Получил работник заказчика

(подпись)

» \_\_\_\_\_ 20\_\_ г.

« \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 20\_\_ г.

**№ 1/30.05 -сонли**  
**ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ**  
(қурилиш-таъмирлаш ишларини бажариш тўғрисида)

«03»июн 2022 йил

Бухоро шаҳри

Бухоро вилоят болалар фтизиатрия сихатгохи (кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилади) номидан Низом асосида иш юритувчи худудий филиал раҳбари **Х.А.Сафаров** бир томондан ва «Пешку қурилиш хамкор инвест»МЧЖ (кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритилади) номидан Низом (Устав) асосида иш юритувчи жамият раҳбари **А.Неъматов** иккинчи томондан Бухоро вилоят болалар фтизиатрия сихатгохи деворни жорий тамирлаш ишларини бажаришга доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

### **I. ТАЪРИФЛАР**

1. Мазкур шартномада куйидаги таърифлар қўлланилади:

**ижро хужжатлари** - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект (қуриш, қайта қуриш ва мукамал) таъмирига ишчи чизмалар туркуми, ер ишларида тегишли ташкилотлардан хулосалар, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралик даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синов тўғрисидаги далолатномалар, қурилиш-монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа хужжатлар;

**беркитиладиган ишлар** - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

**шартнома нархини бўлиб чиқиш** - ишларнинг ҳар бир босқичи ёки турлари қийматини аниқ белгиланган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

### **II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ**

2. Пудратчи мазкур шартнома бўйича объектда қурилиш ва таъмирлаш ишларини смета хужжатларида кўзда тутилган ҳолда бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига бажариладиган ишлар учун зарур шароитлар яратиш, бажарилган ишларни қабул қилиш, уларни қабул қилиш ва белгиланган тартибда тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### **III. ШАРТНОМА БҲЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ**

3. Мазкур шартнома бўйича «Пудратчи» томонидан бажариладиган, **ЛОТ 22110012090416** танлов савдоси натижасида аниқланган ва танлов комиссиясининг қарори (2022 йил «30»май 2022йил 90416-сон баённома) билан тасдиқланган ишлар қиймати ушбу объект тўлақонлигигача фойдаланишга топширилишида **ҚҚС билан 298000000** (Икки юз туксон саккиз миллион сўм) сўмни ташкил этади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, куйидаги ҳоллар бундан мустасно:

-объектнинг қайта қуриш ишлари қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;  
-ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

5. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартнома қийматининг ўн фоизидан ошмаган ҳолда ва ушбу ўзгаришларга белгиланган тартибда смета-хужжатлари тайёрланган ҳолда расмийлаштирилади.

### **IV. ПУДРАТЧИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

6. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи ушбу шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- объектдаги қурилиш ишлари бошланишдан олдин объектда қурилиш ва таъмирлаш ишларини олиб бориш даври учун, буюртмачи иштирокида қурилиш ва таъмирлаш ишлари бўлаётган ва ундаги мавжуд элементларини далолатнома асосида объектдан фойдаланувчи ташкилотдан қабул қилиб олади ва таъмирлаш ишлари якунлангандан сўнг фойдаланувчи ташкилотга топширади. Пудратчи томонидан қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилаётган даврда ушбу объект қисмидаги элементларини сақлаш ишларини амалга оширади;

- ушбу қурилиш объектини қуриш даврида электр энергияси, сув ва табиий газдан фойдаланиш зарурияти бўлган тақдирда белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан шартнома тузиш, тўловларини амалга ошириш, зарур ҳолларда айрим иш турларининг бажарилишида смета хужжатларида белгиланган машина-механизмлар ўрнига, ўриндош машина-механизмлардан фойдаланилиши, белгиланган сифат ва технологик жараённинг бузилмаслигини кўрсатувчи сифат лабораторияси ва лойиҳачи ташкилотнинг тегишли хулосаси асосида амалга оширилиши мумкин, ҳар қандай иш туридаги ушбу ўзгаришлар юзасидан Буюртмачини хабардор қилиш;

- смета хужжатларида бажарилиши кўзда тутилган иш ҳажмлари Пудратчи томонидан тўлиқ ва сифатли қилиб бажарилиб, айрим иш ҳажмлари ва харажатлар смета хужжатларида кўзда тутилган маблағлардан амалда иқтисод қилинса, ушбу маблағни айрим харажатлар бўйича қурилиши мумкин ва қўшимча бажарилиши лозим бўлган иш ҳажмлари харажатларини қоплаш учун объектнинг умумий қиймати доирасида асословчи хужжатлар асосида Буюртмачини хабардор қилган ҳолда йўналтирилиши мумкин ва ушбу иш турлари танлов иш ҳажмларида бўлса нархлари танлов нархларидан олиниши, агарда танловда бўлмаса смета-хужжатларидаги нархлардан олиниб, бажарилган ишлар ҳисоб-фактурасида кўрсатилиши лозим.

- объектнинг ижро ҳужжатларини расмийлаштириш ва буюртмачига топшириш, курилиш материалларининг мувофиқ сертификати, ишлатилган курилиш материаллари ва ускуналарнинг техник паспортини тақдим этади;
  - шартнома шартларига асосан объектни буюртмачига тасдиқланган лойиҳага мувофиқ топширади;
  - барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унинг 1-илоvasида белгиланган ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажм ва муддатларда иншоот нархидаги ишларни энг камиди 20%ни ўзининг кучлари билан курилиш қоидалари ва меъёрларига, белгиланган стандартларга амал қилган ҳолда сифатли бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади;
  - объектга зарур курилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, бошқа хом-ашёлар ва курилиш техникасини ўз вақтида ҳамда зарур ҳажмларда етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлашни амалга оширади;
  - зарур ҳолларда курилиш-таъмирлаш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар куради;
  - Буюртмачини, ёрдамчи пудратчилар билан пудрат шартномалари тузилиши давомида, ушбу шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, ёрдамчи пудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилади;
  - курилиш-таъмирлаш майдонида техника ва ёнғин хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида таътир мухитни, ўтқазилган дарактларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлайди;
  - мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб "3" кун муддатда курилиш-таъмирлаш майдонини ўзига тегишли курилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, курилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик биноларни бўшатади;
  - курилиш-таъмирлаш майдони кўриқланишини таъминлайди;
  - белгиланган муддатларда ва вақтларда бажарилган курилиш ва таъмирлаш ишлари юзасидан мониторинг ҳолатда ҳисоб-фактурасини ойнинг "20"- санасигача Буюртмачига тақдим қилади;
- Объектда курилиш ва таъмирлаш ишлари тўлиқ тугатилгандан кейин бажарилган курилиш ва таъмирлаш ишлари юзасидан ҳисоб-фактурани тўлиқ тақдим қилади;
- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.
7. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкый жавобгар ҳисобланади.
- Бажарилган ва молиялаштириш учун қабул қилинган иш ҳажмларида арифметик хато ва бошқа камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланганда, кейинги кунларда бажарилган иш ҳажмларига тегишли ўзгартириш (корректировка) киритилган ҳолда расмийлаштирилади.

## V. БУЮРТМАЧИНING ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

8. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:
- ишлар бажарилиши устидан доимий техник назоратни ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни, амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ равишда қабул қилиб олишни таъминлаш;
  - Пудратчининг барча мурожаатларини "3" кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;
  - молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 2-иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;
  - мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб "3" кун давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатларини тақдим этиш;
  - мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

## VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

9. Пудратчи мазкур шартнома қонуний кучга кирган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.
10. Пудратчи объектда куриш ва таъмирлаш ишларини бошланғич аванс маблағлари тўлангандан сўнг "10" кунда тугатиб, объектни сифатли ва тўлиқ қилиб (тегишли барча ҳужжатлар билан бирга) фойдаланишга топширади. Молиялаштириш ёки Буюртмачига тегишли бошқа сабаблар бўлганда Бухоро вилояти уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси ишчи танлов комиссиясининг қарорига асосан курилиш ва таъмирлаш ишлари муддатига ўзгартиришлар киритилиши мумкин.
- |                        |                       |
|------------------------|-----------------------|
| - Ишларнинг бошланиши: | 2022 йил "03" июн     |
| тугатилиши             | 2022 йил "03" сентябр |
11. Мазкур шартнома бўйича ишлар, ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

## VII. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР

12. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун ишларни бажариш (1-илова) ва молиялаштириш (2-илова) жадваллари асос ҳисобланади.
- Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича жорий (режалаштирилган) иш қийматининг **30% фонзи**, яъни **89 400 000 (Саксон туккиз миллион тўрт юз минг) сўм** миқдорда аванс тўлаб беради.
13. Буюртмачи ва Пудратчи белгиланган муддатларда бажарилган курилиш ва таъмирлаш ишларини "Маълумотнома-ҳисоб-фактура" билан расмийлаштирилади, бунда ишларнинг конструктив элементлари (турлари) бўйича физик ва қиймат кўрсаткичлари 1-иловага асосан акс эттирилади ҳамда мазкур объект учун белгиланган тартибда Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ёки маҳаллий бюджет ҳисобидан вилоят ҳокими фармойиши асосида қўшимча маблағ ажратилгандан сўнг 2-иловага асосан тўловлар амалга оширилади.
14. Жорий молиялаштириш ажратилган аванс маблағининг белгиланган муддатларда амалда бажариладиган ишлар миқдоридан берилган аванс миқдорини ушлаб қолиб, объектнинг шартномавий қиймати 95 фоизи миқдорда амалга оширилади.

15. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича ушбу объект бут ҳолда сақланиши учун обобтраликни ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва ликастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

16. Объектнинг шартномавий бажарилган ишлар қийматидан 5 % фоизи миқдордаги маблағ мазкур шартноманинг 47-бандида белгиланган кафолат муддати (объектга тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилиб тақдим этилгандан) тугагандан сўнг, лекин кафолат муддати тугаган молиявий йил якунланмасдан олдин молиялаштирилади.

17. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 30 кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритишни талаб қилиш ёки шартномани бир томонлама ўрнатилган тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир.

18. Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун молиялаштиришнинг кечикиши бюджет маблағларини ажратувчи ва молиялаштирувчи ташкилотнинг айби билан содир этилса, молиялаштириш бўйича “Буюртмачи” “Пудратчи”нинг олдида жавобгар бўлмайди.

### **VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ**

18. Буюртмачи объектда ўз вакилини - техник назоратчи (етақчи мутахасис)ни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар ҳажми ва сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

19. Техник кузатувчи - (филиал “Бирламчи-рухсат берувчи ва лойиҳаларни бошқариш, қурилишни техник жиҳатдан кузатиб бориш бўлими” етакчи мутахасиси) ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

20. Пудратчи Буюртмачининг вакили -техник кузатувчи (филиал “Бирламчи-рухсат берувчи ва лойиҳаларни бошқариш, қурилишни техник жиҳатдан кузатиб бориш бўлими”) етакчи мутахасисини ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник кузатувчи - етакчи мутахасис Пудратчи томонидан ўтказиладиган, қурилиш-таъмирлаш объектида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунгазам равишда қатнашади.

21. Пудратчи объектда бажарилган ишларнинг ҳажмларини ижро ҳужжатларини, қилинган сарф-харажатларни Буюртмачи томонидан мазкур объект учун бириктирилган техник кузатувчи (етақчи мутахасис) билан белгилаган муддатларда объектнинг ўзида кўриб чиқади ва тўлиқ маълумотни (белгиланган тартибда ижро ҳужжатлари билан) ва бажарилган ишлар ҳисоботини “Кўп хонадонли уйларни, иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси” ДУК Бухоро вилоят филиали раҳбариятига топширади.

22. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

23. Объектда умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

24. Буюртмачи қурилиш-таъмирлаш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни привязка қилиш учун Пудратчига геодезия нукталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

25. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

26. Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида ҳатолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

27. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

28. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгидан қурил

ган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

29. Пудратчи ўзи томонидан қурилиш-таъмирлашда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

30. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилади.

31. Ёпилиб кетадиган ишларни уларнинг ҳар бир тури (босқичи) бўйича қабул қилиб олиш уларнинг кейинги тур (босқич) ишлари бошлангунга қадар бажарилишига қараб амалга оширилади. Ишларни қуйидаги таркибдаги комиссия қабул қилиб олади: Буюртмачининг вакили – техник назоратчи- (Бирламчи-рухсат берувчи ва лойиҳаларни бошқариш, қурилишни техник жиҳатдан кузатиб бориш бўлими етакчи мутахасиси) (раис), пудратчи ташкилот вакили – иш бажарувчи ёки уста, лаборант ва геодезист (зарур ҳолларда), объектга хизмат кўрсатадиган юқори ташкилоти вакили, лойиҳа ташкилоти вакили (кўтариб турувчи конструкцияларни қабул қилиб олишда). Ёпилиб кетадиган ишларни қабул қилиб олиш натижалари ўрнатилган шакл бўйича далолатнома билан расмийлаштирилади, унда қабул қилинадиган ишларнинг лойиҳа, норматив-техник ҳужжатлар, стандартлар талабларига мувофиқлик даражаси акс эттирилади, шунингдек қабул қилинадиган ишларга баҳо ва ишларнинг кейинги турларини бажаришга рухсат берилади. Далолатномага ўлчовлар қайдномаси ва лаборатория синовлари натижалари илова қилинади.

32. Пудратчи Буюртмачининг қурилиш ва таъмирлаш ишларини бажарилишини юритиш дафтарларига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

33. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдигисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

-Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига ва қийматига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

-Объектда қурилиш жараёнида технологик жараён олиб борилишининг тўғрилиги, бажариладиган ишлар ҳамда фойдаланиладиган материалларнинг сифати юзасидан техник назоратни амалга ошириш, шунингдек ёпилиб кетадиган ва оралик ишларни қабул қилиб олишда Буюртмачи томонидан комиссия таркибида иштирок этиш учун ушбу объектдан фойдаланувчи ташкилоти жалб этилиши мумкин.

-Объектнинг бажарилган ишлари ва тугалланган объектларини ойлик (оралик) қабул қилиб олиш буюртмачи ва пудратчи томонидан расмийлаштирилади. Бажарилган ишларни ойлик (оралик) қабул қилиб олиш натижалари белгиланган шаклда маълумотнома-ҳисоб-фактура билан, миқдор ва қиймат кўрсаткичлари ҳисоб-китоб жадвалида акс эттирилган ҳолда белгиланган шаклда расмийлаштирилади.

34. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг ёрдамчи пудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари ва маблағлари ҳисобидан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

35. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ участкалари ва йўлакларни супуриб-сидиради ва озода сақлайди.

36. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи қурилиш-монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олиниши, ўтказилган синовлар, кунлик ўртгача ҳаво ҳарорати ва ёгингарчиликлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

-Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қоникмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарыда ўз фикрини баён қилади.

-Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чораталбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

### IX. ИШЛАРНИ ҚЎРИҚЛАШ

37. Пудратчи таъмирлаш ишлари бошланишидан тугаллангунгача ва қайта қуриш ишлари тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

### X. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

38. Енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари - бу томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган табиат ходисалари (зилизила, кўчки, бўрон, қургоччилик ва бошқалар) ёки ижтимоий- иқтисодий ҳолатлар (уруш ҳолати, қамал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни таққиллаш ва бошқалар) сабабли юзага келган шароитларда томонларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва қутилмаган ҳолатлардир.

39. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундан қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

-Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

40. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

41. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

### XI. ҚУРИЛИШ ВА ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ

42. Қурилиш ва таъмирлаш ишлари тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ, мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиш ва таъмирлаш ишлари тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олиш шаҳарсозлик нормалари, қондалари ва стандартларига асосан амалга оширилади.

Қурилиш объекти ёки унинг участкалари (ишга тушириш мажмуалари) объектнинг тугалланганлиги ва у қабул қилиб олишга тайёрлиги тўғрисида пудратчи ташкилотнинг хабарномасидан кейин жамоатчилик комиссия томонидан фойдаланишга қабул қилинади.

Пудратчи ташкилот жамоатчилик комиссияга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- қурилиш ва таъмирлаш ишларини амалга оширишда иштирок этган ташкилотлар томонидан бажарилган ишларнинг турлари ва ҳажмлари ҳамда масъул ижрочилари кўрсатилган ҳолдаги рўйхати;

- ёпилиб кетадиган ишларни қабул қилиб олиш далолатномалари;

43. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси асосида Буюртмачи томонидан белгиланган тартибда қабул қилиб олинади.

44. Пудратчи қайта қуриш тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан “3” кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Пудратчи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.
45. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект давлат мулкига айланади ва ўрнатилган тартибда объектлардан фойдаланиш корхонаси балансига ўтади.

## ХII. КАФОЛАТЛАР

### 46. Пудратчи:

- барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;
- смета ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни сифатли бажаришни;
- ўзи томонидан қурилиш ва таъмирлаш ишлари учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг смета ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;
- смета ҳужжатларида бажарилиши кўзда тутилган иш ҳажмлари Пудратчи томонидан тўлиқ ва сифатли қилиб бажарилиб, айрим иш ҳажмлари ва харажатлар смета ҳужжатларида кўзда тутилган маблағлардан амалда иқтисод қилинса, ушбу маблағни айрим харажатлар бўйича қўрилиши мумкин бўлган зарарни ва қўшимча бажарилиши лозим бўлган иш ҳажмлари харажатларини қоплаш учун объектнинг умумий қиймати доирасида асословчи ҳужжатлар асосида Буюртмачини хабардор қилган ҳолда йўналтириши мумкин ва ушбу иш турларига смета-ҳужжатларини тайёрлашни;
- шартномада белгиланган кафолат муддати мобайнида объектдан фойдаланиш жараёнида нуқсонлар ва чала қилинган ишлар аниқланганда, ўз ҳисобидан бепул бартараф этишни;
- объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

47. Объект ва унга қирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар қайта қуриш тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб **12 ой** этиб белгиланади.

48. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

49. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш Буюртмачи томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича ҳужжалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

## ХIII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

### 50. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин ишларнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;
- ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан “5” кундан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда;
- бажарилган қурилиш ва таъмирлаш ишларига бажарилганлиги юзасидан ҳисоб-фактурасини расмийлаштириб “3” кун ичида топширилмаган ҳолда;
- Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

### 51. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчи ва боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан “5” кундан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;
  - Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;
  - қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартнома бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.
52. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланган қурилиш-таъмирлаш ишлари бўйича маълумот “3” кун муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.
53. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоида-қоида мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

54. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга стқазилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

55. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

## ХIV. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

56. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон - иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонунда, бошқа қонун ҳужжатлари ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортилади.

Қурилиш ва таъмирлаш ишларини олиб бораётган Пудратчи ташкилот қонунчиликка асосан ва шартномага мувофиқ Буюртмачи олдида қуйидаги ишлар бўйича мулкӣ жавобгардир:

- сифатсиз бажарилган қурилиш ва таъмирлаш ишлари;
- объектни ҳамда унинг босқичлари ва навбатларини белгиланган муддатда тугалламагани;
- Буюртмачи билан тузилган шартнома асосида қурилиш ва таъмирлаш ҳамда бошқа ихтисослаштирилган ташкилотлар томонидан усқуналарни монтаж қилиш муддатлари бузилиши;
- объектнинг смета ҳужжатларида белгиланган ерларни рекултивация қилиш ишлари бажариш ҳажмлари ва муддатларининг бузилиши;

- қурилиш ва таъмирлаш жараёнида ёки оралик қабул қилишда пудратчи, муаллифлик назорати ва бошқа назорат органлари томонидан аниқланган конструкция ва ишлардаги йўл қўйилган камчиликлар ҳамда нуқсонларни бартараф этишни орқага суриш;
- шартномада кўзда тутилган бошқа мажбуриятларни бажармагани ёки лозим даражада бажармагани.

Пудратчи томонидан ишларнинг бажарилишида пудрат шартномасидан чекиниш ёки бошқа камчиликлар мавжудлигида Буюртмачи, агар қонунчилик ёки шартномада бошқа шартлар кўзда тутилмаган тақдирда, пудратчидан ўз ихтиёрига кўра қуйидагиларни талаб қилиш ҳуқуқига эга:

- нуқсонларни оқилона муддатларда ўз хисобидан бартараф этишни;
- агар Пудратчи нуқсонларни келишилган муддатларда бартараф этмасе, Буюртмачи ёки объектдан фойдаланувчи ташкилот ўз кучи билан Пудратчи хисобидан нуқсонларни бартараф этиш ҳамда нуқсонларни ўз вақтида бартараф этилмаганлигидан келтирилган зарарни ва бажарилган иш қийматини ундириш ҳуқуқига эга.

57. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси молиялаштирилмаган маблағ қийматининг 30 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

58. Пудратчи томонидан объектни ўз вақтида ишга тушириш ёки тайёр ҳолатда топшириш бўйича мажбурият бузилса, Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 30 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун, шунингдек тугаланиш муддатидан ўтказиб юборилган объектлар учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун ва сифатсиз бажарилган ишлар учун аниқланган қийматнинг 0,2 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси кечиктирилган муддат ва сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 30 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

59. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириш ҳуқуқига эга.

60. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур бандда назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

Буюртмачи Пудратчининг бажарилган ишлари ҳажмидан ёки молиявий ҳисоб-китоблардан аниқланган камчиликлар натижасида Буюртмачига қайтариладиган маблағлар ва бошқа тўловлар бўйича мажбуриятларини ўз вақтида бажармаса, Буюртмачи ушбу маблағларни молиялаштириш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан чегириб қолиш ҳуқуқига эга.

61. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

## XV. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

62. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Бухоро туманлараро иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

## XVII. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

63. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

64. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, ёрдамчи пудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

65. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолаган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

66. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

67. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

68. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар бўйича Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

69. Тарафлар мазкур шартнома бандларига тўлиқ риоя қилган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг “Тижорат сирини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунига амал қилиши шарт.

70. Мазкур пудрат шартномаси томонлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргунча амал қилади.

71. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 3 нусхада тузилди, бир нусхаси “Буюртмачи”да, иккинчи нусхаси “Пудратчи”да учинчи нусха эса инжиниринг компанияси ДУКга тақдим этилади. (қизиқувчи томонларга тарафларнинг рухсати билан шартнома нусхаси берилиши мумкин).

72. Мазкур шартнома вилоят газначилик бошқармасидан рўйхатдан ўтгандан сўнг қонуний кучга киради.

## XVII. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАР ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

### “БУЮРТМАЧИ”

“Бухоро вилоят болалар фтизиатрия сихатгоҳи”

Манзили: Бухоро ш. Моҳи Хоса курғони 1 уй.

X/P: 10021860064017073401054001

ИНН: 201511971

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги

Газначилиги

Банк: МБ ХККМ Марказий банк

Тошкент шаҳар бош бошқармаси

X/P 23402000300100001010

МФО 00014 ИНН 201122918

Раҳбар

 X.A. Сафаров



Ҳуқуқшунос

 O.T. Садиқов

Юридик хизмат ходимларини аттестатциядан

Утканлиги тугрисида Гувоҳнома ЮК №006051

2022 йил 16 июлгача амал қилади.

### “ПУДРАТЧИ”

“Пешку қурилиш ҳамкор инвест” МЧЖ


Манзил: Пешку туман Ибн Сино ҚФЙ

Банк: АТБ Турон банк бухоро вилояти филиали

X/P: 20208000104885378001

МФО: 00111 ИНН: 301801774

Раҳбар:



A. Неъматов



**Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 90416 на приобретение Услуга по текущему ремонту забора Бухоро вилоят болалар фтизиатрия сихатгохи по дефектный акт сметная документации**

Способ проведения электронный

Дата 30.05.2022

Время рассмотрения 30.05.2022 15:01

Конкурсная комиссия Вилоят болалар фтизиатрия сихатгохи, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	HAMROYEVA DILNOZA QAYUMBOYEVNA	Bosh vrach o'rinbosari	Buxoro viloyat bolalar ftiziatrya sihatgohi
<b>Секретарь комиссии</b>	TURSUNOVA AZIZA A'ZAM QIZI	Farmatsef	Buxoro viloyat bolalar ftiziatrya sihatgohi
<b>Член комиссии</b>	ISMATOV ULUG'BEK USMONOVICH	O'qitish ishlari bo'yicha bo'l boshlig'i	Buxoro viloyat bolalar ftiziatrya sihatgohi
<b>Член комиссии</b>	SHODIYEV MEHRIDIN TEMIROVICH	Bosh hisobchi	Buxoro viloyat bolalar ftiziatrya sihatgohi
<b>Член комиссии</b>	XOLOVA SOJIDA RAXIMDJANOVNA	Omborxonа mudirasi	Buxoro viloyat bolalar ftiziatrya sihatgohi
<b>Член комиссии</b>	AVEZOV AKMAL BOZOROVICH	Omborxonа mudiri	Buxoro viloyat bolalar ftiziatrya sihatgohi

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 30.05.2022 года № лота 90416.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф. технико-квалификационной части: 90.00 / Весовой коэф. ценовой части: 10.00)

Мин. балл: 200

Предмет закупки:

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Услуга по текущему ремонту забора, демонтаж металлического забора и замена ограждения из кирпича и шлакоблока</b>
<b>Подробное описание</b>	Услуга по текущему ремонту забора Бухоро вилоят болалар фтизиатрия сихатгохи по дефектный акт сметная документации
<b>Количество товара</b>	1.00
<b>Единица измерения</b>	
<b>Цена товара (услуги) за единицу</b>	299 924 198.00
<b>Стартовая сумма</b>	299 924 198.00
<b>Валюта</b>	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Бахтсиз ходисалар булган вазиятларда ишчи ходимларнинг хаёти сугурталанганлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Бахтсиз ходисалар булган вазиятларда ишчи ходимларнинг хаёти сугурталанганлиги тугрисида маълумот

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>PESHKU QURILISH HAMKOR INVEST</b>	20	298000000	18	Экспертная		
<b>Саховат агро таерлов савдо</b>	20	20. 2022 йил май ойида олинган сугурта полиси илова килинади.	14	Экспертная		
<b>Sarvarbek Bunyodkor Kapital Qurilish MCHJ</b>	20	20	18	Экспертная		
<b>CREATIVE YOUTH PROJECT</b>	20	299000000	14	Экспертная		

Критерий №2 Иштирокчи корхонанинг курилиш соҳасидаги рейтинг тугрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Курилиш-пудрат ташкилотлари электрон рейтинг

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>PESHKU QURILISH HAMKOR INVEST</b>	20	298000000	20	Экспертная		
<b>Саховат агро таерлов савдо</b>	20	20. Рейтинг ВВ	18	Экспертная		
<b>Sarvarbek Bunyodkor Kapital Qurilish MCHJ</b>	20	20. Рейтинг В	13	Экспертная		
<b>CREATIVE YOUTH PROJECT</b>	20	299000000	17	Экспертная		

Критерий №3 Иштирокчи корхонанинг давлат руйхатидан даврдан бошлаб унинг иш тажрибаси бюртмачилар томонидан берилган тавсифномалар, шартномалар Ф3-Ф5

Тип: Текстовое значение

Описание: Иштирокчи корхонанинг давлат руйхатидан даврдан бошлаб унинг иш тажрибаси бюртмачилар томонидан берилган тавсифномалар, шартномалар Ф3-Ф5

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>PESHKU QURILISH HAMKOR INVEST</b>	20	298000000	18	Экспертная		
<b>Саховат агро таерлов савдо</b>	20	20. Иловалар бор	14	Экспертная		
<b>Sarvarbek Bunyodkor Kapital Qurilish MCHJ</b>	20	20	18	Экспертная		
<b>CREATIVE YOUTH PROJECT</b>	20	299000000	15	Экспертная		

Критерий №4 Моддий-техника базаси

Тип: Текстовое значение

Описание: Ишларни уз вақтида сифатли бажарилиши учун зарурий моддий-техника базаси мавжудлиги

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
PESHKU QURILISH HAMKOR INVEST	20	298000000	18	Экспертная		
Саховат агро таерлов савдо	20	20. Илова бор	15	Экспертная		
Sarvarbek Bunyodkor Kapital Qurilish MCHJ	20	20	18	Экспертная		
CREATIVE YOUTH PROJECT	20	299000000	15	Экспертная		

Критерий №5 Техника хавфсизлиги коидалари

Тип: Текстовое значение

Описание: Техника хавфсизлиги коидалари тулик риоя килиниши буйича талаблар ва йуриқномалар

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
PESHKU QURILISH HAMKOR INVEST	20	298000000	20	Экспертная		
Саховат агро таерлов савдо	20	20. Хоимлар тулик масъул ходимлар томонидан техника хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси йуриқномалари таништирилб борилади. Иловалар бор.	15	Экспертная		
Sarvarbek Bunyodkor Kapital Qurilish MCHJ	20	20	18	Экспертная		
CREATIVE YOUTH PROJECT	20	299000000	15	Экспертная		

Критерий №6 Корхонанинг мавжуд транспорт воситалари

Тип: Текстовое значение

Описание: Корхонанинг мавжуд транспорт воситалари хақида маълумот

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
PESHKU QURILISH HAMKOR INVEST	20	298000000	18	Экспертная		
Саховат агро таерлов савдо	20	20. Техпаспортлар илова килинди.	18	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
Sarvarbek Bunyodkor Kapital Qurilish MCHJ	20	20	17	Экспертная		
CREATIVE YOUTH PROJECT	20	299000000	12	Экспертная		

Критерий №7 Иштирокчи корхонанинг курилиш асбоб ускуналари хакида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Иштирокчи корхонанинг курилиш асбоб ускуналари хакида маълумот

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
PESHKU QURILISH HANKOR INVEST	20	298000000	17	Экспертная		
Саховат агро таерлов савдо	20	20. 90 турга якин замонавий асбоб ускуна, техникалар мавжуд ва руйхати илова килинади.	16	Экспертная		
Sarvarbek Bunyodkor Kapital Qurilish MCHJ	20	20	17	Экспертная		
CREATIVE YOUTH PROJECT	20	299000000	16	Экспертная		

Критерий №8 Бажарилган ишлар учун кафолат хат

Тип: Текстовое значение

Описание: Бажарилган ишлар учун кафолат хати

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
PESHKU QURILISH HANKOR INVEST	20	298000000	20	Экспертная		
Саховат агро таерлов савдо	20	20. 3 йил кафолат берилди.	15	Экспертная		
Sarvarbek Bunyodkor Kapital Qurilish MCHJ	20	20. 2 йил кафолат берамиз	17	Экспертная		
CREATIVE YOUTH PROJECT	20	299000000	13	Экспертная		

Критерий №9 Иштирокчи корхонанинг доимий ишчи ходимлари тугрисида

Тип: Текстовое значение

Описание: Ишларнинг уз вақтида сифатли бажарилиши учун ишчи ходимлар хакида маълумот

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
PESHKU QURILISH HAMKOR INVEST	20	298000000	20	Экспертная		
Саховат агро таерлов савдо	20	20. Му/mehnat.uz сайти, статистика ва солик маъулумотлари, ходимлар руйхати илова килинган.	17	Экспертная		
Sarvarbek Bunyodkor Kapital Qurilish MCHJ	20	20	20	Экспертная		
CREATIVE YOUTH PROJECT	20	299000000	16	Экспертная		

Критерий №10 Буюртмачи тавсифига кўра

Тип: Текстовое значение

Описание: 684-Конун 13-моддатига риоя этилиши шарт

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
PESHKU QURILISH HAMKOR INVEST	20	298000000	18	Экспертная		
Саховат агро таерлов савдо	20	20.	15	Экспертная		
Sarvarbek Bunyodkor Kapital Qurilish MCHJ	20	20. 684 конун 13 моддасига тулик риоя этилишига кафолат берамиз	18	Экспертная		
CREATIVE YOUTH PROJECT	20	299000000	16	Экспертная		

Критерий №11 Иштирокчи корхонанинг тугатиш ёки банкротлик арафасида турмаганлиги, мол-мулки мусодарага олинмаганлиги , ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хуқуқий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжуд бўлмаганлиги тугрисида

Тип: Текстовое значение

Описание: Иштирокчи корхонанинг тугатиш ёки банкротлик арафасида турмаганлиги, мол-мулки мусодарага олинмаганлиги , ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хуқуқий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжуд бўлмаганлиги тугрисида

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
PESHKU QURILISH HAMKOR INVEST	20	298000000	20	Экспертная		
Саховат агро	20	20.	0	Экспертная	Дисквалифицирован	талабга биноан

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>таерлов савдо</b>		Жамиятимиз баркарор фаолиятга эга.				(O'ZBEKISTON. RESPUBLIKASI DAVLAT AKTIVLARINI BOSHQARISH AGENTLIGINING BUXORO VILOYATI HUDUDIY BOSHQARMASI) дан хулоса олинмаган.
<b>Sarvarbek Bunyodkor Kapital Qurilish MCHJ</b>	20	20	16	Экспертная		
<b>CREATIVE YOUTH PROJECT</b>	20	299000000	15	Экспертная		

Критерий №12 Иштирокчи корхона хакида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Иштирокчи корхонанинг давлат руйхатидан даврдан бошлаб унинг иш тажрибаси (гувоҳнома, Низоми (устав), ва умумий маълумотлари

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>PESHKU QURILISH HAMKOR INVEST</b>	20	298000000	20	Экспертная		
<b>Саховат агро таерлов савдо</b>	20	20. 11 йиллик тажриба мавжуд. 100 дан ортик объектлар курилган. Илова бор.	15	Экспертная		
<b>Sarvarbek Bunyodkor Kapital Qurilish MCHJ</b>	20	20	18	Экспертная		
<b>CREATIVE YOUTH PROJECT</b>	20	299000000	16	Экспертная		

Критерий №13 Иштирокчи корхонанинг солик хамда мажбурий туловлардан карзи йуклиги ва нохалол иштирокчилар реестрида мавжуд эмаслиги тугрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Иштирокчи корхонанинг солик хамда мажбурий туловлардан карзи йуклиги ва нохалол иштирокчилар реестрида мавжуд эмаслиги тугрисида маълумот

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>PESHKU QURILISH HAMKOR</b>	20	298000000	18	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
INVEST						
Саховат агро таерлов савдо	20	20. ДСИ ва банкдан тасдиқланган маълумотлар илова қилинди.	16	Экспертная		
Sarvarbek Bunyodkor Kapital Qurilish MCHJ	20	20	0	Экспертная	Дисквалифицирован	2 талабга биноан ( келтирилган маълумотноманинг муддати ўтган, ноҳалол иштирокчилар реестри мавжуд эмас.
CREATIVE YOUTH PROJECT	20	299000000	15	Экспертная		

Критерий №14 Мутахассисларнинг курилиш соҳаси бўйича сертификатларга эга эканлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Курилиш соҳаси бўйича малакали мутахассислар тайёрлаш марказларидан, малака оширганлиги ҳамда укув куникмаларга эга эканлиги тугрисидаги сертификат

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
PESHKU QURILISH HAMKOR INVEST	20	298000000	18	Экспертная		
Саховат агро таерлов савдо	20	20. 55 якин ходимлар булиб, шундан 12 таси олий маълумотли куравчилар. колганлир хам курилиш соҳасида 5 йилдан ортик иш стажига эга. Диплом ва сертификат нусхалари илова қилинди.	16	Экспертная		
Sarvarbek Bunyodkor Kapital Qurilish MCHJ	20	20	18	Экспертная		
CREATIVE YOUTH PROJECT	20	299000000	14	Экспертная		

Критерий №15 Ишларни бажариш муддати

Тип: Текстовое значение

Описание: Ишларни бажариш муддатини кискартириши ишнинг сифатида акс таъсир этмаслиги лозим

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
PESHKU QURILISH HAMKOR INVEST	20	298000000	17	Экспертная		
Саховат агро таерлов савдо	20	20. Ишлар хисоб китоблар асосида 45 кунда сифатли бажарилади. Муддат ишнинг сифатига умуман таъсир курсатмайди.	15	Экспертная		
Sarvarbek Bunyodkor Kapital Qurilish MCHJ	20	20. 55 кунда бажарилади ва сифатига таъсир этмайди	16	Экспертная		
CREATIVE YOUTH PROJECT	20	299000000	17	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
PESHKU QURILISH HAMKOR INVEST	299 924 198.00	298 000 000.00	23.05.2022 18:42:13	10.00
CREATIVE YOUTH PROJECT	299 924 198.00	299 000 000.00	30.05.2022 09:27:01	9.97

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
Саховат агро таерлов савдо	Не прошел	Не прошел	Не прошел
PESHKU QURILISH HAMKOR INVEST	83.9997	10	93.9997
CREATIVE YOUTH PROJECT	67.7997	9.96656	77.76626
Sarvarbek Bunyodkor Kapital Qurilish MCHJ	Не прошел	Не прошел	Не прошел

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 90416 от 30.05.2022 года на приобретение Услуга по текущему ремонту забора Бухоро вилоят болалар фтизиатрия сихатгохи по дефектный акт сметная документации определила победителем:

PESHKU QURILISH HAMKOR INVEST  
301801774

и резервный исполнитель: CREATIVE YOUTH PROJECT (304734791)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии

Член комиссии	AVEZOV AKMAL BOZOROVICH	Согласен	
Председатель комиссии	HAMROYEVA DILNOZA QAYUMBOYEVNA	Согласен	
Член комиссии	ISMATOV ULUG'BEK USMONOVICH	Согласен	
Член комиссии	SHODIYEV MEHRIDIN TEMIROVICH	Согласен	
Член комиссии	XOLOVA SOLIDA RAXIMDJANOVNA	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП